

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукуқида
УДК: 061.5 (575.1):338.242


ЖУМАНАЗАРОВ ҚОДИРЖОН САЛЯЕВИЧ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОТИГА
САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ МОСЛАШУВИ
(«Ўзкишлоқхўжмтш-холдинг» ХК мисолида)

Мутахассислик: 08.00.04 - «Микроиктисодиёт»

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ



ТОШКЕНТ – 2003

658(043,3)

ЖС 87

Илмий иш Тошкент давлат техникауниверситетида бажарилган

Илмий раҳбар:

иктисод фанлари доктори,
профессор А.М.Кодиров

Расмий оппонентлар:

иктисод фанлари доктори,
профессор Д.Р.Сайд-Джалолов
иктисод фанлари номзоди,
доцент И.А.Содикова

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк
Кўмитаси қошидаги Бозор ислоҳотларини
чукурлаштириш институти


Диссертация иши ҳимояси 2003 йил «9» дегабр куни соат 14⁰⁰ да
Тошкент давлат техникауниверситети хузуридаги иктиносидан
иктисод фанлари номзоди
илемий даражаси ҳимояси бўйича К.067.07.06-рақамли Ихтисослашган кенгаш
мажлисида ўтказилади.

Манзил: 700095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Асосий бино
ТошДТУ.

Диссертация иши билан Тошкент давлат техникауниверситетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2003 йил 7 ноўбр гаркатилиди.

Ихтисослашган илемий кенгаш котиби,
иктиносидан фанлари номзоди, доцент


A.M.Турсунов

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.

Диссертация тадқиқот мавзусининг долзарблиги иқтисодиётнинг умумий ислоҳоти доирасида саноатни реструктуризация қилиш жараёни конунгиятларини таҳлил қилиш зарурати билан белгиланади. Бу жараённинг энг муҳим унсурларидан бири саноат ишлаб чиқаришини ташкилий қайта қуриш ва йирик, ўрта, кичик корхоналар нисбатининг оқилона мутаносиблигини юзага келтиришдир. Мазкур муаммони ҳал этишда йирик ташкилий-иктисодий тузилмаларни, шу жумладан корпоратив гурухларини тузишнинг ҳориждаги ва ватанимиздаги тажрибаси асос бўлиб хизмат қиласди.

Корпоратив тузилмаларнинг шакллантирилиши замонавий иқтисодиёт ривожланишининг энг муҳим таомийларидан биридир. Айнан ана шу молия саноат гурухлари концернлар, холдинглар, консорциумлар билан бир қаторда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ва умуман жаҳон хўжалигининг ўзига хос таянчларини ташкил этади, улар атрофида тўпланган ўрта ва кичик корхоналар билан тўлдирилган ҳолда саноатнинг тузилма хосил кильувчи асоси бўлиб хизмат қиласди. Йирик ташкилий-иктисодий тузилмалар ишлаб чиқариши макроиктисодий бошқариш имкониятларини кенгайтиради, иқтисодий ва ҳалқаро ҳамкорликнинг барқарорлигини таъминлайди, иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида ижроия ҳокимиятнинг стратегик йўлини амалга оширишда табиий шерик сифатида фаолият кўрсатади.

Корпоратив гурухлар саноат корхоналари, тижорат, савдо, молия ва бошқа муассасалар интеграциясининг шакли сифатида ўз хусусий капиталини тўплаш ва ташкилни жалб қилиш, узоқ муддатли ва кенг миёғидаги инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш учун энг кулагай имкониятларга эгадир.

Мазкур диссертация республикамида олиб борилаётган институционал ислоҳотларни чуқурлаштириш ва турли ташкилий ҳуқуқий шакллар доирасида ривожланиб келаётган корпоратив гурухлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш муаммоларига бағишиланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив гурухларни ривожлантаришнинг назарий муаммоларини ўрганишда Г.Друкер, М.Портер, Р.Гильфердинг, Ю.Винслав, Х.Онда, М.Чжун қатор олимларнинг асрлари салмоқли мавқега эга.

Республикамида М.Шарифхўжаев, В.Чжен, М.Турсунходжаев, М.Икрамов, Т.Бедринцева, Р.Досумов, А.Улмасов, Е.Абдуллаев, А.Исаджанов, Ф.Мақсудов, Г.Сайдова, Д.Сайд-Джалолов, Л.Соколова, Э.Трушин қаби олимларимиз иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларни амалга оширишнинг назарий-услубий томонларини ёритишида салмоқли ишларни амалга оширганлар. Институционал ислоҳотларнинг назарий ва амалий муаммоларини ёритишида, шу жумладан корпоратив гурухларнинг ривожланиши ва уларни бошқариш масалаларини Ш.Фофуров, И.Бутиков, Б.Беркинов, Р.Яушев, Б.Оғанъянц, А.Расулов, Ш.Зайнутдинов тадқиқотларида ўз аксини топган

Шу билан биргаликда корпоратив гурухларининг фаолиятини ўрганиш ва уларнинг ташқи ва ички бўзорда ракобатбардошлигини ошириш янги институционал тузилмалар орқали ривожлантириш масаласи ҳар тарафдама илк маротаба ўрганилмоқда.

Тадқиқот массади. Корпоратив гурухлар доирасидаги интеграцион жараёнларни янги институционал тузилмаларини шакллантириш орқали мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот олдиға қўйилган вазифалар:

- корпоратив гурухларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш;
- интеграция жараёнларининг ривожланишида корпоратив гурухларнинг шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини сниклаш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашувининг конкрет усуслари ва шаклларини тадқиқ этиш;
- молия-саноат гурухларнинг шаклланишида интеграция жараёни иштирокчиларининг массадлари, бирлашув усуслари, минтақавий ва тармок мансубликлари билан боғлик фарқларни белгилаш;
- корпоратив гурухларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг самарадорлигини оширишнинг йўллари ва асосий йўналишларини аниклаш.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб корпоратив гурухларининг шакллантириши ва фаолият кўрсатиш жараёни, уларнинг ривожланиш тамойиллари ҳисобланади.

Тадқиқот обьекти сифатида республика худудида тузилган ва фаолият кўрсатётган холдингларнинг фаолияти олинган («Ўзқишлоқхўжмаш-холдинг» ХК мисолида).

Тадқиқотнинг услугбий ва назарий асоси бўлиб, маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг институционал ислоҳотларни амалга ошириш ва корпоратив бошқарувнинг назарий-услубий асосларига бағишланган илмий ишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва йўналишлари ҳақидаи асрлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳуқукий норматив хужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг статистик базасини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилиги ва Давлат мулк кўмитаси, илмий-текшириш институтлари тадқиқотлари, «Ўзқишлоқхўжмаш-холдинг» ХК ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари ташкил қилган.

Тадқиқот жараёнида функционал-тузилмавий ва қиёслаш таҳлиллари, динамик қаторлар, монографик тадқиқотлар ва эксперт хulosаларини умумлаштириш услублари кўлланилди.

Ишнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

- корпоратив гурухларни бошқаришга методологик ёндашув ишлаб чиқилди ва молия-саноат гурухининг интеграл таърифи баён килинди.
- интеграция жараёнларининг авж олиши ҳамда саноат ва банк капиталининг бирлашувига хос хусусиятлар аникланди;

- чет эл тажрибасини ўрганиш асосида корпоратив гурухларнинг ташкил этилиши ва ривожланишининг асосий таомиллари ажратиб кўрсатилди;
- молия-саноат гурухи тузилмасида молиявий блокнинг ажратилиши асосланди ва унинг ташкил этувчилари таҳлил килинди;
- корпоратив гурух катнашчилари ўтасида молиявий оқимларни мақбуллаштириш имконини берувчи ташкилий-иктисодий схемаси таклиф этилди;
- холдинг гурухларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишининг самарадорлигини комплекс баҳолаш тизимини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;
- холдинг гурухи иштирокчиларининг активларини бирлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқотлар натижалари фаолият кўрсатаётган гурухлар таркибига кирувчи марказий компаниялар, асосий жамиятлар, корхоналар ва банкларнинг раҳбарияти учун фойдали бўлиши мумкин. Шу билан боғлик равишда мазкур диссертация тадқиқоти тармоқ, минтақа, хўжалик юритишининг айrim субъектларининг менежмент фаолиятининг асосий принципларини ишлаб чиқиша услубий аҳамиятга моликдир, ҳамда бакалавр ва магистрларни тайёрлаш бўйича ўқув жараёнида кўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг синондан ўтказилиши ва натижалари. Диссертация натижалари ЎзР Фан ва технологиялар марказининг Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги 1.6. «Ўзбекистонда иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиши» мавзусида кўлланилган (маълумотнома №15-6/272, 23.12.2002 й.).

Диссертация ишининг асосий натижалари Халқаро ва Республика доирасидаги илмий-амалий конференцияларда (Тошкент Архитектура-курилиш институти, Тошкент 1996 й., Санкт-Петербург Техника Университети, Санкт-Петербург 2002 й., Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти, Қарши 2003 й.) мухокамадсан ўтган ва ижобий хуносалар берилган.

Диссертация иши Тошкент давлат техника университетининг К.067.07.06. раками Ихтисослашган кенгаш қошидаги семинарида (№2, 12 июнь 2003 й), Тошкент Молия Институтида (№15, 25 июнь 2003 й.) мухокамадсан ўтган ва ижобий хуносалар берилган.

Чоп этилган мақолалар. Илмий тадқиқот юзасидан 12 та илмий иш, шу жумладан 4 та мақола журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг таркиби. Кириш қисми, учга боб, хулюса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмидаги ўрганилаётган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, ишнинг илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи боб - «Корпоратив гурухларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси»да корпоратив гурухларнинг иктисодий мөҳияти, шаклланиш хусусиятлари, бозор иктисодиётидаги молия-саноат гурухларининг рали, корпоратив гурухлар фаолиятини ўрганишда ривожланган мамлакатлар тажрибалари очиб берилган.

Иккинчи боб - «Иқтисодиётнинг ўтиш даврида корпоратив гуруҳларнинг шаклланиши» бобида Ўзбекистонда корпоратив гуруҳлар пайдо бўлишининг иқтисодий шарт-шароитлари, молия-саноат гуруҳларининг ривожланиш таомйиллари ва уларнинг ташкил топишининг асосий схемалари кўрсатилган.

Учинчى боб - «Молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш ва фаолият кўрсатиш механизмини шакллантириш» бобида молия-саноат гуруҳларининг тузилмавий асоси, гурух иштирокчиларининг молиявий ҳамкорлиги, холдинг гуруҳларини ташкил этишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш омиллари кўрсатилган.

Хулоса ва таклифлар қисмидаги илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда корпоратив гуруҳларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Диссертация ишининг асосий мазмуни.

1. Мамлакатимиздаги ҳозирги илмий адабиётларда корпоратив гуруҳларнинг фаолиятининг бутун мөҳиятини комплекс акс эттира оладиган таърифлари амалда етарли даражада мавжуд эмас. Бу ҳол шу билан боғликини бизнинг иқтисодиётимизда корпоратив гуруҳларнинг мавжудлиги ўзи анги янги ҳодиса. Анъанавий совет сиёсий иқтисод фани бу тузилмаларга факат капиталистик ишлаб чиқариш усулига хос ҳодисалар сифатида қараган. Бугунги кунда ватанимиз тадқиқотчилари олдида фундаментал таҳлилдан ҳам кўра, маҳсус амалий таҳлилдан иборат мураккаб вазифа турибди. Шунга кўра корпоратив гуруҳларига берилган кўплаб таърифлар ушбу кўп қиррали ҳодисанинг сирим олинган жihatлariдан бирига асосланади.

Корпоратив гуруҳларнинг асосини ташкил қилувчи молия-саноат гурухи (МСГ) асосий ёки шўйба жамиятлари сифатида фаолият кўрсатувчи, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, товар ва хизмат кўрсатиш бозорларини кенгайтириш, рақобатбардошлини оширишга йўналтирилган инвестицион ва бошқа лойиха ҳамда дастурларни амалга ошириш учун технологик ва иқтисодий интеграция мақсадида ўз моддий ва номоддий активларини (катнашув тизими) молия-саноат гуруҳлари тузиш ҳақидаги шартнома асосида тўла ёки қисман бирлаштирган юридик шахслар йигиндисидир.

Синергизм самараси, яъни бирлашиш натижасида олинган иқтисодий самара ёки қиймат алоҳида қисмларнинг иқтисодий самаралари ёки қийматлари йигиндисидан ортиқ бўлиши МСГнинг ташкил топишда ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири бўлиб хизмат қилади. Капиталнинг бир мақсадга йўналтирилган консолидацияси асосида тузилган бирлашмалар ҳақида сўз кетгандагина синергизм самараси ҳақида гапириш мумкин. Бунга эса акцияларнинг назорат пакетларини, корхоналарнинг карз мажбуриятларини сотиб олиш йўли билан, тўлиқ қўшилиб кетиш натижасида, корхонани бошқаришда иштирок этиш хуқуқини берувчи узок муддатли кредитлар орқали ҳамда бирлашма ўз маблағларини ишонч ва фойда келтирседиган тарзда сарфлашни мақсад қилиб кўйган бошқа ҳолларда эришиш мумкин.

Жаҳон статистикаси инновацияларнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни тўхтосиз ортиб бораётгандигини, айни пайтда улар қимматлашаётганини кўрсатмоқда. Ҳозирги замон инновациялари илмий-техник ишланмаларнинг пайдо бўлиш доирасига кўра ҳам, уларни амалга ошириш (тадбик этиш)га кўра ҳам фанлараро (кластер) табиатга эгадир. Бундай шароитларда янгиликларга тез мослашувчи майда ва ўрта бизнеснинг роли кескин ортиб боради (венчур капитали), шу билан бирга факат йирик ишлаб чиқаришдагина салмоқли ва кенг миқёсдаги илмий-техника ютуқларини тадбик этиш имконияти мавжуд. Манса шу ҳол бирлашишнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, МСГ ташкил бўлиш доирасида бунга инновацион инвестициялар учун маблаглар интеграциясининг зарурлиги ҳам келиб қўшилади.

Юкорида баён қилинган методологик асосларга таяниб, биз молия-саноат гурухига банк ва саноат капиталининг жамланиши ва қўшилиб кетиши жараённинг институциал акс этиш шакли сифатида қараймиз. Бу жараёнларнинг амалга оширилиши йирик капитал учун ҳос бўлган турли ташкилий-хуқуқий шакллар доирасида бўлиши мумкин.

2. Республикализ иқтисодиётидаги ислоҳотларни чукурлаштиришнинг буғунги босқичида хусусийлаштирилган корхоналарни бозор шароитига мослашувида корпоратив бошқариш тамоилларини жорий қилиш долзарб масалалардан бири хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарнинг 2003-2004 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури» (18.04.2003 й.) ва «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқармасини тақомиллаштириш чора-тадбирлари» (22.04.2003 й.) хакидаги қарорларида корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ислоҳотларининг стратегия масалаларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Корпоратив гурухларнинг яратилиш ва самарали фаолият кўрсатиши муаммоларига бўлган қизиқиш мазкур мураккаб тизимларни шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий аҳамияти билан боғлиқ масалаларга доир кучайиб бораётган мунозаралар туфайли ошиб бормоқда.

Жаҳон саноат ишлаб чиқаришнинг нефт саноати, кимё, электротехника, автомобилсозлик каби етакчи тармокларининг 50 фоиздан 85 фоизи энг йирик корпорациялар томонидан назорат қилинади. Бироқ, йирик корпорацияларнинг жаҳон иқтисодиётига таъсири жиҳатидан таъкидлаб ўтиш зарур бўлган нарса, бу энг аҳамиятига маҳсулотларнинг миллий бозорида ҳам «ўйин қоидалари» сана шу корпорациялар томонидан белгиланишидир.

Диссертация ишида ривожланган мамлакатларда корпоратив гурухларни шаклланнишининг устувор йўналишлари асослаб берилган:

- асосий компаниялардан шўбा тузилмаларининг ажralиб чиқиши ва молия капитали билан бирлашуви;
- фирманинг мустақил корхоналарга ажralиши ва молия капитали билан бирлашуви;
- корхоналарнинг фаолиятини назорат қилувчи банклар отрофига гурухларга бирлашуви;
- шартнома битимлари асосида бирлашиш;

- компанияларнинг қўшилиши ва ютиб юбориши асосида бирлашиш, бунинг натижасида бир компания бошқа компания акцияларининг назорат пакетига эга бўлиб олади;
- йирик саноат компаниялари ва бирлашмалари томонидан ўз молиявий блокларининг ташкил этилиши.

Санаб ўтилган барча ҳолатларда бирлашишдан мақсад ишлаб чиқариш-тақсимлаш механизми устидан марказлаштирилган назорат ўрнатиш воситаси билан бозорга самарали таъсир ўтказишга интилишдир. Гурухлар ичидаги тақсимот мажбурий тартибда эмас, балки биргаликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш, келишув ва режалаштириш натижаси сифатида юз беради.

3. Япония молия-саноат гурухларининг тарихи ва ривожланиш тажрибасини мисол тарикасида танлаб олишимизни тақозо қилувчи бир катор ҳолатлар мавжуд. Биринчидан, япон модели ўзининг иштирокчиларнинг онча чукур интеграция жараёнларига асосланган самарадорлиги ва яшовчанлиги нуқтаи назаридан бизни кизиктиради. Иккинчидан, япон гурухларининг ривожланиши корпорацияларнинг фаолият кўрсатиши жараёнини ҳам, умуман миллий бозорни бошқаришида ҳам давлатнинг роли кучли бўлган шароитларда юз бермокда.

Қилинган таҳлиллар асосида биз Ўзбекистонда молия-саноат гурухларини шакллантириш назарияси ва амалиёти учун муайян сҳамията эга бўлган қўйидаги хуносаларга келишимиз мумкин:

- Япон компанияларининг кўзга яққол ташланиб турган афзалликларидан бири уларнинг банклар аҳамиятини пасайтириб, ўз хусусий салоҳиятни сезиларли даражада кўпайтириш ва тажовузкор ўсиш сиёсати туфайли манбалар хисобига ўз-ўзини маблаг билан таъминлашга ўтишидир. Банкларнинг кредитлар бериш соҳасидаги эҳтиёткор сиёсати ҳамда гурухларнинг давлат томонидан кўллаб-кувватлаш тадбирлорини амалга ошириш учун маблагларнинг етишмаслиги зетиборга олганда, мазкур тажриба ўзбек молия-саноат гурухлари учун айниқса фойдали бўлиши мумкин;
- Ўзбекистонда молия-саноат гурухларини ривожлантириш учун япон МСГларида кўлланадиган стратегик режалаштириш модели сҳамията молик бўлиши мумкин. Мазкур модел ушбу жараёнга молия-саноат концернининг мустақил ишлаб чиқариш тузилмаларини то бош компанияга кадар энг юқори даражада жалб этиш ва уни тузилманинг барча погоналаридан ўтиш ҳамда таҳрир қилишига асосланган. Мазкур операция натижасида МСГ таркибидағи бўлинмалар ўзларининг ва бутун гурухнинг ривожланиш стратегиясини катъий директив бошқарувни амалда истисно қилган ҳолда ўзлари белгилайдиларки, бу ҳол гурухнинг ривожланиш стратегиясида хотүғри йўналишини танлаш эҳтимолига йўл қўймайди. Молия-саноат гурухларининг фаолият тажрибаси шуни кўрсатадики, амалда барча жойларда стратегик режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш вазифалари уларнинг марказий компанияси ёки бош жамияти ихтиёрида жамланган бўлади.

Бу мақсадларни амалга оширишнинг энг таъсирли чораларидан бири корпоратив гурухларини иқтисодиётда инвестиция оқимларини қўллаб-

қувватлаш ва таъминлашдан иборат макроиктисодий вазифани ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги иқтисодий тузилмаларни яратишдир.

4. Корпоратив гурухлари пайдо бўлишининг Ўзбекистон иқтисодиёти учун хос бўлган объектив шарт-шароитларига қўйидагилар киради:

I. Ўзбекистонда йирик саноат ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги. Йирик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, ўта йирик саноат ва илмий-саноат бирлашмаларини ташкил этишдан иборат бўлган ва узок давом этган саноатни йириклаштириш жараёни ишлаб чиқаришни монополизация қилинишига олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг юкори даражадаги концентрацияси (жамланиши) ва тор ихтисослашуви пировард маҳсулот ишлаб чиқаришни бир-биридан ажратилган кўплаб босқичларга бўлиб ташлади, шу сабабли босқичлардан бирида маҳсулот сифатининг озгина ласайиши пировард маҳсулотнинг сифатсиз бўлишига олиб келар эди. Мана шу хол ҳамда маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муддатларининг узоклиги сезиларли иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлди.

Корпоратив гурухлари типидаги ҳозирги тузилмалар илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг кўп хусусиятларини саклаб қолди (жумлидан, етарли қудратга эга бўлган илмий-техник салоҳият, аниқ ташкилий тузилиш, кооператив алоқаларнинг йўлга қўйилгани) бироқ уларнинг сифат жиҳатдан фарки шундаки, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларига хос бўлган маъмурӣ бошқарув шакллари корпоратив гурухларда мулкчилик муносабатлари билан алмашинади.

II. Ягона ишлаб чиқариш туркумларига боғланган корхоналарнинг мавжудлиги. Йирик саноат корхоналарининг ташкилий тузилиши корпоратив тузилишга яқин бўлиб, кўп корхоналар муайян технология занжирлари таркибида ишлар эдилар. Илгари мавжуд бўлган бошқарувнинг вертикал тармоқ тизими тармоқлараро тузилмаларнинг шаклланишига тўсқинлик килди. Корхоналар фаолиятини тармоқ бошқарувни тутатилгандан сўнг уларнинг фаолият жараёни амалда бошқарувсиз бўлиб қолди.

III. Саноатнинг кўп тармоқларининг қатъий тармоқ бошқарувига эҳтиёжи. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари мобайнида миллий иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий тизимида жiddий ўзгаришлар юз берди, хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда, институционал йирик ўзгаришлар, бозор инфраструктурасига жадал кириб бормоқда

IV. Ўзбекистонда молия капитали ва тузилмаларининг ривожланиши. бозор иқтисодиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг юксалиши аввало, молиявий тизимнинг актив фаолияти билан боғлик, чунки банклар томонидан берилётган кредит асосан ишлаб-чиқариш соҳасига йўналтирилиши лозим.

Молия бозорининг эркинлашуви кўп сонли молия-саноат муассасаларининг ташкил этилишига хизмат килади. Иқтисодий таваккалчиллик хавфлари ва молиявий киритмаларнинг диверсификацияси банкларни ишлаб чиқариш секторига моблағ киритишига ундейди.

V. Корпоратив гурухлар пайдо бўлишининг шарт-шароитлари мавжудлигининг ўзи етарли эмас, уларнинг ташкил этилишини рағбатлантирувчи иқтисодий омиллар зарур. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- иқтисодиёт субъектлари ўртасида иқтисодий слоқаларнинг узилиши;

- бюджетдан маблаг билин таъминлашнинг қисқариши шароитида корхоналар ресурсларининг чекланганлиги;
- инвестицион лойихаларни амалга ошириш учун давлат имтиёзлари ва кафолатларини олиш имконияти;
- раҳбарларнинг бозор шароитларида корхоналарни бошқариш сифатини оширишга интилиши;
- иктисодиётнинг молиявий сектори билан ишлаб чиқариш интеграцияси даражасининг ортиши;

5. Корпоратив гурухлар (молия-саноат гурухлари, холдинг ва акциядорлик корхоналари) нинг ташкил этилишидаги принципиал ўзига ҳослик ва мақсадларга йўналтирилганлик шундан иборатки, молиявий ресурсларни жалб қилиш уларни ички товар бозорида ўз хусусий секторини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришин хамда товарларни жаҳон бозорига кириб боришини таъминлайдиган йўналишларга киритиш ва жампаш жараёни билан кўшиб олиб борилади.

Корпоратив гурухларни ихтиёрий тартибда ёки акциялар пакетларини консолидацияси тартибда шакллантирилиши қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- гурух катнашчилари томонидан амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда очик турдаги акциядорлик жамиятларининг таъсис этилиши;
- гурух катнашчилари томонидан гурухга кирувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мазкур иштирокчилар ихтиёрида бўлган акциялари пакетларини гурух катнашчиларидан бирининг ишонч бошқармасига (траст) берилиши;
- гурух иштирокчилари бўлган корхона ва ташкилотлар акцияларининг битта иштирокчи томонидан сотиб олиниши орқали.

Корпоратив гурухлар иштирокчилари бир-бирлари билан умумий иктисодий манфаатлар орқали боғланган. Улар бошқа корхоналарнинг акцияларига эгалик қиласидилар ёки уларни гурух марказий компаниясининг траст бошқарувига топширадилар. Гурух ўз акциялари ва облигацияларини ҳам чиқара олади. Хусусийлаштирилган корхоналар бу гурухлар таркибига кириб, ўз акцияларини гурух номи ҳисобига фонд бозорининг фаол иштирокчилари бўлишлари мумкин.

6. Аналитик маълумотларни таҳлил этиш асосида ўрганиб чиқиша иштирок этган қатнашчилар томонидан молия-саноат гурухларини ташкил этишда ҳал қилинадиган қўйидаги асосий вазифалар ажратиб олинди.

- бозор иктисодиёти шароитларида оқилона технологик ва кооперацион алоқаларни шакллантириш;
- инвестиция ресурсларини иктисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида жамлантириш;
- илмий-тадқиқот таҳжира-конструкторлик ишларини молиявий ресурслар билан таъминлаш;
- республика корхоналари маҳсулотларининг четга чиқарнилиш салоҳиятини ва рақобатбардошлигини ошириш;
- иштирокчи корхоналарнинг моддий, молиявий, схборот ресурсларини бирлаштириш;

- чиқарилсаётган маҳсулотнинг тавсиф сифатини ошириш;
- маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга ўтиш;

Молия-саноат гурухининг мазкур схема бўйича шаклланиши қўйидаги тарзда юз беради: савдо ёки саноат капитали томонидан банк таъсис этилади, кейин банк бир нечта тобе фирмаларни ташкил этади (биржа, савдо уйи, инвестиция жамғармаси, брокерлик фирмаси ва ҳоказо). Улар ёрдамида ўзаро алоқанинг турли шаклларидан фойдаланган ҳолда саноат билан алоқаларни йўлга кўяди. Бундай шаклларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- молия-саноат гурухининг иштирокчиси бўлган корхоналар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш;
- давлатга қарашли хусусийлаштирилган корхоналар акциялари пакетини МСГ трости ёки унинг иштирокчисига ўтказиб бериш;
- банклар томонидан муайян саноат лойиҳалари учун бериладиган инвестиция кредитлари;
- саноат корхонаси қарзининг банклар томонидан сотиб олиниши.

7. Корпоратив гурухларининг яратилиши бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги босқичида, йирик молия-саноат тузилмалари жиддий ва узок муддатли ишлаб чиқаришга маблағлар киритиш учун етарли салоҳиятга эгадир, «қиска муддатли кредитлар»нинг бозоридаги ўйин уларни даромадининг бирдан-бир манбай сифатида устувор йўналишлар қаторига кирмайди. Шу сабабли молия-саноат гурухи инвестиция дастурининг ўзига хос хусусияти кенг миқёсдаги ишлаб чиқариш инвестицияларини амалга оширишидир.

Буни «Ўзқишлоқхўжмаш-холдинг» ХК мисолида кўриб чиқиш мумкин. {1-расм}


Холдинг компанияси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг замонавий қишлоқ хўжалик техникасига, уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган талабини кондириш, мазкур техникани эксплуатация килиш бўйича хизмат кўрсатиш, ҳалк истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда ўз фаолиятидан фойда олиш максадида тузилган:

- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ўртасида кооператив алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантиришда кўмак бериш;
- қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш соҳасида, техниканинг прогрессив турларини чиқаришни ташкил этишда ягона илмий-техник ва инвестицион сиёсатни олиб бориш;
- ички ва ташки бозорларда маркетинг тадқиқотларни олиб бориш;
- хорижий инвесторларнинг маблағларини соҳанинг техник жихатдан қайта жихозланишига кенг жалб этиш, қишлоқ хўжалик техникасининг замонавий турларини чиқариш ва ўзлаштириш учун етакчи фирмалар билан ҳамкорликда кўшма корхоналар ва ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва ҳоказо.

8. Холдингнинг молиявий баркарорлигини аниқлаш учун айланма маблағлар манбаларининг тузилишини кўриб чиқиш ва молиявий баркарорлик коэффициентини хисоблаб чиқиш қўйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

«ҮЗКИПЛОҚХҮЖМАШ-ХОЛДИНГ» ХК

1-расм. «Ўзкишлопхўжмаш-холдинг» ХК бошқарувининг ташкитий тузилмаси.



а) молиявий мұстакиллік коеффициенти меңдер бүйінча күзде түтілған 0,5 дан ортиқ күрсаткіч үрнігі 2000 йилда 0,42 га теңг бўлған бўлса, 2003 йил 1 январига бу күрсаткіч 0,341 га теңг бўлди.

б) хусусий ва қарз маблағларининг нисбат коеффициенти 2000 йил бошида 0,843, 2003 йил бошида 0,635 га тўғри келади, меңдер бўйинча 2 дан ортиқ бўлиши керак.

в) хусусий айланма маблағларнинг таъминланиши коеффициенти 2000 йил 0,283 га тўғри келган бўлса, 2003 йил 1 январига келиб 0,340 га тўғри келади, меңдер бўйинча 2 дан ортиқ бўлиши керак.

г) тўлов қобилияти коеффициенти 2000 йил бошида 2,251, 2003 йил 1 январига келиб 1,868 га тўғри келади, меңдер бўйинча 2 (жадвал 1).

Холдинг Компаниясининг молиявий фаолиятини тавсифловчи коеффициентлар суммаси (банкротлик бўйинча қўмита томонидан тавсия этилган) 2000 йил 1 январидаги 1,526 дан 2003 й. 1 январига келиб 1,518 гача камайди. Бундан келиб чиқадики, холдинг банкротлик хавфи бўлган гурухга киради, чунки иккى коеффициент: хусусий маблағлар ва қарз маблағларининг нисбат коеффициенти ва тўлов қобилияти коеффициенти меңёрдагидан паст.

Холдинг компаниясининг молиявий аҳволини соғломлаштириш бўйинча таклифлар:

1. Фойдаланилмаётган кувватларни тўла ишга солиш, маҳсулотларнинг янги турларичи ишлаб чиқариш, эҳтиёт қисмлар ва ракабатбардош ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, обьектларни ижарага бериш ва биржа орқали реализация килиши.
2. Тайёр маҳсулотнинг меңёрдан ортиқ қолдиқларини қўйидагилар ёрдамида реализация килиш, янги бозорларни ўрганиш, нархларни пасайтиришни қўллаш, ўзаро ҳисоб-китоблар.
3. Кредиторлик қарзларни бартараф қилиш, холдинг ичидаги ҳисоб-китоблар учун векселлардан фойдаланиш ҳисобига айланма маблағларнинг айланувчан тезлигини ошириш.
4. Қисқа муддатли кредитларни қўллашдан аста секин воз кечиб, имкони бўлган қарз маблағларидан фойдаланиш.
5. Мазкур дасврда ижтимоий соҳани таъминлашга кетадиган сарфларни қисқартириш ҳисобига нархлар ўзгармаган ҳолда соф фойдани қўпайтириш.
6. Бозор иқтисодиётининг доимий ўзгариб турувчи шароитларда йўналишини танлай оладиган иқтисодиёт соҳасида мутахассислар тайёрлош.
7. Муаммоли масалаларни ҳал этиш мөқсадида корхоналарнинг тузилишини тақомиллаштириш.
9. Молия-саноат гурухлари иқтисодиётнинг институциянал ўзгаришларининг, саноат ва молия соҳасидаги янги ривожланиш шароитларининг обьектив оқибати сифатида пайдо бўлади.

МСГ фаолият кўрсатишининг ўзига хос иқтисодий механизмига эга бўлиб, у бир қанча хусусиятларига кўра хўжалик юритишининг бошқа субъектларидан тубдан фарқ қилиб туради. Бу хусусиятлар корпоратив турдаги тузилмаларнинг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос тамойиллари мавжудлиги туфайли юзага келган бўлиб, уларга риоя

Жадвал 1

Молиявий коеффициентлар таҳлили

№	Кўрсаткичлар номлари	2000й мийнг сўм	2001й минг сўм	2002й мийнг сўм	Чекланиш (+,-)		Моддий таъ- минланмаган- лик очимни кабул килиш кўрсаткичи
					2000 й 2001 й	2001 й 2002 й	
1		4	5	6	7	8	9
1	Гўлов коеффициенти, Кпл	2,251	1,806	1,868	-0,445	0,062	Кпл<1
2	Қарзга бериладиган ва хусусий воситаларнинг ўзаро нибат коеффициенти, Ксс	0,843	0,647	0,635	-0,196	-0,012	Ксс<1
3	Молия эркинлиги коеффициенти, КФн	0,422	0,358	0,341	-0,064	-0,017	КФн<0,5
4	Хусусий айланма воситалар билан тавъянланиш коеффициенти, Кос	0,283	0,168	0,340	-0,115	0,172	Кос>0,1
5	Корхонанинг моддий таъминланмаганлигини кўрсатувчи умумий коеффициент	3,798	2,979	3,185	-0,819	0,206	4,6
6	Моддий кийматтиқларнинг даромадлилик коеффициенти, Кра	-0,03	-0,03	0,03	0,06	0,00	Кра<0,1
7	Эстрииши ёки ишдан чиқиши коеффициенти, Кизн	0,42	0,41	0,48	0,01	0,07	Кизн<0,5
8	Кучлардан фойдаланиши коеффициенти, Ким	0,35	0,38	0,39	0,03	0,01	Ким<0,6

* Ўзбекистон умумий мажобий таъминлаш саломатига ёки язчалурун оғозлаш таъниди

қилишнинг зарурлиги молия-саноат гурухлари фаолият жараёнинг мантиқидан келиб чиқади ва гурухни рўйхатдан ўтказиш вақтида қатъий назорат қилинади.

Молия-саноат гурухлари шаклланишининг асосий тамойилларига биз қўйидагиларни киритамиз:

I. Мақсадга йўналтирилганлик. МСГ ички ва ташки бозорда ўз мавқеини кенгайтириш мақсадида янги товарлар, технологиялар, хизмат турларини ривожлантиришга каротилган давлат селектив сиёсатининг устувор йўналишларига мос келувчи соҳаларда шакллантирилади. Бизнинг фикримизча, МСГнинг принципиал ўзиға хослиги ва мақсадга йўналтирилганлиги шундан иборатки, молиявий ресурсларни жалб қилиш уларни ички бозорда хусусий секторни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни таъмин этувчи йўналишларга киритиш ва жамлантириш жараёни билан кўшиб олиб борилади.

II. Ташкил этилаётган корпоратив тузилманинг молиявий йўналтирилганлигини таъминлаш молия-саноат гурухларини шакллантиришнинг иккинчи энг муҳим шарти ҳисобланади.

Биз мазкур тамойилни амалга оширишнинг зарур шартлари деб қўйидагиларни ҳисоблаймиз:

- ◆ МСГ фаолиятини амалга ошириш учун катнашчиларнинг активларини бирлаштиришнинг иктисадий асосланган схемаси;
- ◆ Молия-саноат гурухи иштирокчиларини кўшилган ягона солик тўловчи деб тан олиниши;
- ◆ Гурух қатнашчиларининг молия-саноат гурухи марказий компаниясининг гурух ташкил этилиши натижасида пайдо бўлган мажбуриятлари бўйича умумий масъулиятининг юзага келиши.

Мазкур тамойилни амалга ошириш гурухнинг молиявий блокини шакллантириш ва унинг схемасини ишлаб чиқиш жараёнида ўз аксини топади.

III. Инвестицион йўналтирилганлик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, молия-саноат гурухлари молиявий ресурсларни энг аввало узок муддатли ресурсларни жалб этиш ва уларни ишлаб чиқаришга самарали тарзда киритиш билан боғликликда жамлантириш мақсадида тузилади. Молия-саноат гурухи инвестиция инфратузилмасининг унсури сифатида майдонга чиқади ва бунда қўйидаги функцияларни бажаради:

- инвестициялаш учун молиявий маблагларни топиши ва сафарбар килиш;
- инвестициялаш объектини таъминлаш;
- инвестиция лойиҳаларини ва уларнинг мониторинги бўйича зарур бўлган ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- инвестиция бўйича зарур кафолатларни таъминлаш.

IV. Молия-саноат гурухи тузилмасининг ташкилий йўналтирилганлиги шундан иборатки, ҳар бир иштирокчи корхонанинг хўжалик юритувчи субъект сифатидаги мустақиллиги саклаган ҳолда гурух доирасида бош компания ва иштирокчиларнинг муайян мажбуриятлар бўйича ўзаро боғликлиги ва умумий масъулиятга амал қиласди. Молия-саноат гурухларининг ташкилий тузилмаси турлича бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда унинг

фаолиятини стратегик бошқариш марказий компания томонидан амалга оширилади. Мазкур компания илгари вазирликлар ваколатига киравчи бошқарувига оид сўйрим вазифаларни ўз зиммасига олиши керок. Бу вазифаларга инвестициялар ва илмий-техник тадқиқотларни режалаштириш ва амалга ошириш, кооперация, қўшилиб кетиш ва бошқалар киради. Молия-саноат гурӯхини бошқаришининг асосий вазифаси молиявий ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг тўғридан-тўғри ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятидан иқтисодий самара олиш учун зарур шарт-шароитларни яратишидир.

V. Молия-саноат гурӯхларининг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим тамойилларидан бири молия-саноат гурӯхи доирасида ишлаб чиқариш-технологик кооперацияни амалга оширишидир

Масалан, «Ўзқишлоқхўжмаш-холдинг» молия-саноат гурӯхини тузишнинг ташкилий лойихасини амалга ошириш жараёни бир неча йўналишлор бўйича, жумладан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш таннэрхини ва оралиқ ишлов бериш сарф-харажатларини камайтириши, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда ассортиментни кенгайтириши таъминлаш имконини берадиган янги, истикболли йўналишлар бўйича ҳам кооперация алоқалари ўрнатилишини талаб қиласди.

VI. Молия-саноат гурӯхларида диверсификациялаш тамойилининг амалга оширилиши гурӯх фаолиятининг молиявий ва ишлаб чиқариш соҳаларида таваккал қилиш ҳавфини камайтириш зарурати билан тақозо қилинади. Молиявий соҳадаги диверсификациялаш инвестицияларни таваккал ҳавфи мавжуд бир неча активлар ўртасида таксимлаш йўли билан ҳавфни камайтиришга йўналтирилган стратегияни амалга ошириши кўзда тутади. Ишлаб чиқаришдаги диверсификациялаш гурӯх ичидаги бир-бири билан бағлиқ бўлмаган тармоқларга мансуб корхоналарни бирлаштириши, яъни гурӯх қатнашчилари билан турдош ёки оралиқ бўлмаган корхоналар билан интеграция алоқаларини ўрнатишни тақозо этади. Бу иштепмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга билвосята хизмат қилибгина қолмай, айни пайтда гурӯх ичидаги инвестициялар олиш учун ракобатнинг юзага келишига турткি беради.

10. МСГ қатнашчилари ўзаро ҳамкорлигининг молиявий схемасини тузиш соҳасидаги ишларнинг энг мураккаб бўлими мулкнинг жамлантирилиши ва активларнинг бирлаштирилиши бўйича режаларни тузишdir. Шу билан бирга, масалага тўғри ёндашилганда у гурӯхнинг фаолият кўрсатиши жараёнини ҳам, ташаббускорларни ва гурӯх қатнашчиларини кизиктиручи натижаларни ҳам белгиловчи сифатида ишлайдиган хужжат бўлиши мумкин.

Активларни бирлаштиришнинг усууллари шакллантирилиш концепцияси билан белгиланади. Активларнинг бирлаштирилиши усулларидағи фарқлар МСГнинг бутун хўжалик фаолиятида, хусусан унинг молиявий якунидаги ўз аксини топади. Айтиш мумкинки, активларни бирлаштиришнинг тўғри ва аниқ белгиланган механизми, молия-саноат гурӯхи фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини белгилайди.

Хозирги пайтда мулкни жамлантириш ва МСГ активларини бирлаштириш режаларини ишлаб чиқишнинг ягона усули мавжуд эмас. Ҳар бир гурӯх шаклланиши жараёнида мазкур йўналиш бўйича қандайдир тадбирларни белгилайди, бунда тизимли ёндашувнинг мавжуд эмаслиги собабли яққол

күриниб турған мавқеларни (позицияларни) вакт давомида юз беруви үзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда ажратиб олиш билан чекланмайди.

Молия-саност гурухининг ташкил этилиш механизми билан ва марказий компанияни тузишнинг ташкилий-хўкуқий шакли билан белгиланадиган активларни бирлаштириш схемаси иштирокчиларнинг молиявий муносабатларини кўрсатувчи ҳолат ҳисобланади ва гурух фаолиятини баҳолашнинг ягона тўғри мезонларини белгилайди.

Акцияларни сотиб олиш ва акциялар пакетларининг ишонч бошқармасига олинниши, хусусан, иерархия учун мазкур йўналишдаги стратегик йўлни ишлаб чиқишини талаб қиласидиган жиддий тадбир бўлиб, акцияларни тижорат танловларида инвестиция шартлари билан ёки ишонч бошқармалари орқали ҳар йили бир меъёрда сотиб олиш орқали қўлга киритишини кўзда тутади.

«Ўзишлоқхўжмаш-холдинг» Холдинг компаниясининг эркин савдога ажратилган акцияларни реализация қилишдан мақсад давлат пакетини ташкил этувчи холдинг акцияларини ҳамда энг кўп фойда келтирадиган тузумларга мансуб бўлган корхоналар акцияларини сотиб олиш учун зарур бўлган ҳажмдаги пул маблағлорини қўлга киритишидир.

Холдинг компаниясининг кимматли қоғозлар бозоридаги ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- эркин савдога ажратилган холдинг акцияларини реализация қилиш;
- акцияларни реализация қилиш орқали потенциал инвесторларни холдинг компаниясининг ривожлантириш муаммоларига жалб этиш;
- холдинг компанияси акциядорлари сонини инвестицион ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг техник қайта жихозлашда ҳам иштирок этишига кодир бўлган тузулмалар ҳисобига кенгайтириш;
- эркин савдога ажратилган акцияларни сотишдан олинган пул маблағлари ҳисобига холдинг акцияларининг давлат пакетини сотиб олиш;
- сотиб олинган акциялар улусидан қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари кирқимида дивидендлар олиш;
- акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларга сотиб олинган акциялар улусига кўра таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиш;
- акциядорлик жамиятларининг фойдаланилмаётган майдонларига хорижий фирмалар билан қўшма ишлаб чиқаришларни корхона мулкига биргаликда эгалик қилиш (акциялар орқали) шарти билан жойлаштириш.

Холдинг компаниясининг акцияларининг давлат пакетини сотиб олиш қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари фаолияти устидан назоратни саклашга имкон беради. Холдинг корхоналаридан қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг сотиб олинган улуши бўйича дивидендлари сифатида тушадиган ҳамда Холдинг компаниясининг ассоциациялашган съзорлари ва шўъбаларига солик тўлашда бериладиган имтиёзлардан келадиган пул маблағлари қуйидагича сарфланади:

- кишлоқ хұжалик машинасозлиги корхоналари акцияларининг «Тошкент» РФБга әркін савдога чиқарылған қисміні сотиб олиш;
- турдош корхоналар акцияларини сотиб олиш;
- фонд базори рейтингі бүйічә әңг күп фойда келтирувчи тузилмалар қаторига киравучи корхоналар ва ташкилотларнинг акцияларини сотиб олиш.

11. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни күрсатадыки, банклар иштирокида молия-саноат гурұхларига үхшаш интеграциялашған тузилмаларни яратып молиявий тәнгликтің енгішінинг құдратлы воситасидір. Молиявий фаолият МСГ иштирокчиларининг үзаро ҳамкорлігінинг барча сәхаларини қамраб олади, бутун тузилма үчүн үзігі хос қарапатта келтирувчи күч вазифасини бажаради.

МСГ нинг молиявий гурұхи үз ичига молия-кредит муассасаларининг тижорат банклари, сүргұта компаниялары, нафака жамғармалары, инвестиция институтлари (инвестиция жамғармалари, инвестиация компаниялары) сингари асосий турларини олади (2-расм). Молиявий блокнинг МСГ доирасидаги асосий вазифалари-кредитлаш, гурұх қатнашчилари фаолиятini сүргұта қилиш, корхоналарда банд бўлғанларга нафака хизматини күрсатиш, фуқаролар, ҳукукий шахсларнинг маблағларини турхнинг кимматли қоғозларига ва инвестициялаш учун жалб этиш.


Молия-саноат гурұхларининг молиявий блоки таркибидаги молия-кредит ташкилотлари куйидаги вазифаларни ҳал қиласы:

- иштирокчи корхоналар ўртасида ҳисоб-китоб тизимини тасомиллаштириш ва түловларнинг ўтказилмаслыгини бартараф қилиш;
- молиявий менежмент тамойиллари асосида гурұхни бошқаришни яхшилаш;
- қўшимча молиявий маблағлар излаб топиш, шу жумладан, тегишли кафолатларни бериш ҳисобига;
- гурӯх қатнашчиларининг молиявий ақвонини барқарор бўлишига кўмак бериш.

МСГ таркибida банк куйидаги операцияларни бажариши мумкин:

- фаол операциялар, улар маблағларни молия-саноат гурұхини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларига тўплаш ва инвестиция қилиш билан боғлиқ операциялар, кимматбахо қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ҳамда гурӯх иштирокчилари бўлган корхоналар активларининг траст бошқарувини үз ичига олади;
- пассив операциялар қўшимча молиявий ресурсларни кенг жалб қилишдан иборат бўлиб, ҳисоб рақамларини, валюта рақамларини ва бошқаларни очишини, қўйилған маблағлар ва депозитларни қабул қилиш, банкларара кредитлашда иштирок этишни, кимматли қоғозлар эмиссиясини, тўловларнинг үз вақтида бўлиши ва аванс пулларини тўлашни, лойиҳани амалга оширишда капитал оқимларининг әңг мақбул схемасини ишлаб чиқишини үз ичига олади.

2-расм. Молия-саноат гурхи гузилмасида молиявий блокнинг фаолияти кўрсатиши механизми



Хулоса ва таклифлар.

1. Корпоратив тузилмалар ўтиш даври муаммоларини ҳал қилишда ва республикамизда юқори технологияли саноатни ривожлантириш сиёсатини амалга оширишда катта имкониятларга эга. Аммо, таҳлиллар корпоратив тузилмаларнинг иктиносидий фаолият натижалари ва уларнинг иктиносидига мавқеи етарли даражада эмаслигини кўрсатди.

2. Корпоратив тузилмалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган муаммолар асосан корхоналарнинг ички ва ташки мухит таъсиридан юзага келган. Шу сабабли, банк ва саноат капиталининг жамланиши ва қўшилиб кетиши натижасида молиявий ресурсларни мақсадга йўналтирилган консолидацияси асосида синергизм самараси пайдо бўлиши, яъни бирлашиши натижасида олинган иктиносидий самара алоҳида қисмларнинг иктиносидий самараларининг йиғиндисидан ортиқ бўлиши молия-саноат гурухларини ташкил топишда ҳаракатга келтирувчи куч эканлиги асосланган.

3. Иктиносидига ислоҳотларни чукурлаштиришининг бугунги босқичида хусусийлаштирилган корхоналарни бозор шароитига мослашувида корпоратив бошқариш услубларини жорий қилишни такозо этади. Ривожланган мамлакатларда корпоратив гурухларни {Япония мисолида} шаклланиш ва ривожланиш тажрибасини республикамиз шароити учун назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хусусиятлари аниқланди. Ўзбекистонда ана шундай ташкилотлар (молия-саноат гурухлари) тизимини шакллантиришда куйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олиш лозим: йирик саноат ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги, ягона ишлаб чиқариш туркумларига бўғланган корхоналарнинг мавжудлиги, саноат соҳаларининг гармок бошқарувига эҳтиёжи, молия капитали ва тузилмаларининг ривожланиши.

4. Корпоратив гурухларнинг {молия-саноат гурухлари, холдинг ва акциядорлик жамиятлари} молиявий ресурсларни жалб қилиши ички бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаши ва кенгайтириши, ҳамда маҳсулотларни жаҳон бозорига кириб боришини таъминлайдиган самарали ёндашув эканлиги асослаб берилди.

5. Муаллиф томонидан таклиф қилинаётган ёндошувга кўра, молия-саноат гурухларининг шаклланиши ўзоқ муддатли ишлаб чиқариш инвестицияларини саноатга олиб киришга хизмат килади. Бундай гурухлар бозор тамойилларига асосланган бўлиши, мустакил фаолият олиб бориши, корхоналар билан молиявий ва ташкилий томондан яқин олоқада бўлиши мухимdir. Республикамизда ана шундай гурухлар тизимини шакллантиришининг ташкилий-иктиносидий ва хуқукий асослари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва асосланган.

6. Молия-саноат гурухларининг такомиллаши ва ривожланишининг мухим тамойилларидан бири ишлаб чиқариш технологик кооперациясини талаб қилади. Бунинг учун, “Ўзқишлоқхўжмаш-холдинг” компанияси асосида молия-саноат гурухини тузишнинг ташкилий-иктиносидий лойиҳасини амалга ошириш жараёнида бир неча йўналишлар бўйича, жумладан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ва оралиқ ишлов бериш сарф-харажатларини камайтириши, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этишини такомиллаштириш ҳамда ассортиментни кенгайтиришни таъминлаш имконини берадиган янги, истиқболли йўналишлар бўйича кооперация алоқалари ўрнатишини талаб қиласди.

7. Ҳозирги пайтда мулкни жамлантириш ва молия-саноат гурухларининг активлорини бирлаштиришнинг ягона усули мавжуд эмас. Акцияларни сотиб олиш ва акциялар пакетларини ишонч бошқармасига олиниши, хусусан, мазкур йўналишдаги стратегик йўлни ишлаб чикиши талаб қиладиган жиддий тадбирдир. Шу мақсадда “Ўзқишлоқхўжмаш-холдинг” компанияси катнашчилари активларни бирлаштириш бўйича қимматли қоғозлар бозоридаги ишини ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

8. Аксарият холдинг гурухлари ўз фаолиятини самарали юритиш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга эмас. Муаммони ечиш мақсадида, банклар иштирокида интеграциялашган корпоратив тузилмалар яратиш ва улар таркибидаги молия-кредит ташкилотларининг ташкил қилиш тартиби таклиф қилинди.

Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган

илмий ишлар рўйхати

1. А.М.Кадиров, К.С.Жуманазаров, Н.К.Мухитдинова. Управление инновационными процессами в условиях переходного периода. Международный симпозиум «Инновации: строительный комплекс и инвестиционная деятельность». Сборник докладов ТАСИ, Ташкент, 1996, стр. 11.
2. К.С.Жуманазаров, М.К.Мухитдинова, Н.А.Шокирова. Технопарк - новая структура для выхода на рынок научноемких технологий. ТошДТУ. Олий мактабнинг илмий-техникавий ютуқлари. Докторантлар, аспирантлар, илмий ходимлар ва изланувчи-тадқиқотчиларнинг илмий ишлар тўплами, Тошкент, 1996, 36 б.
3. К.С.Жуманазаров, Н.К.Мухитдинова Н.А.Шокирова. Реформирования научно-технологической сферы в условиях переходного периода к рыночному отношению. Ёш олимлар ва талабаларнинг ІІ-Республика Илмий конференция тезислари тўплами, Тошкент, 1996, 87 б.
4. К.С.Жуманазаров, Э.Т.Жуманов. Туманда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари ва йўллари. ТошДТУ. Олий мактабнинг илмий-техникавий ютуқлари. Докторантлар, аспирантлар, илмий ходимлар ва изланувчи-тадқиқотчиларнинг илмий ишлар тўплами, Тошкент, 1997, 171 б.
5. К.С.Жуманазаров. Шаклланиш сари йўл. "Мулкдор" газетаси. 10(177), 1998 й.
6. А.М.Кодиров, Г.Х.Хусанов, К.С.Жуманазаров. Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг ташки иқтисодий фаолиятларини асосий йўналишлари. Ўкув кўлланма. ТошДТУ. Тошкент 1998.
7. К.С.Жуманазаров, К.Утаров. Интеграция финансового и промышленного капитала в Японии. Журнал «Рынок, деньги и кредит», февраль, 2000, 58 с.
8. К.С.Жуманазаров. Ўзбекистонда молия саноат гурӯхлари ташкил топиши учун шарт-шароитлар «Бозор, пул ва кредит» журнали, март, 2000, 15 б.
9. К.С.Жуманазаров. Предпосылки организации финансово-промышленных групп в Узбекистане. Журнал «Рынок, деньги и кредит», март, 2000, 18 с.
10. И.Турсунов, К.Жуманазаров. Рыночная инфраструктура и предпринимательство. Журнал «Рынок, деньги и кредит», август 2000, 42 с.
11. К.С.Жуманазаров, А.К.Исхаков. Экономические предпосылки возникновения ФПГ в Узбекистане. Труды 4-й международной научно-практической конференции, Том 1, Санкт Петербург, 2002, 80 с.
12. К.С.Жуманазаров, З.Рузиева. Бозор иқтисодиёти шароитида молия-саноат гурӯхларининг роли. Республика илмий-амалий конференцияси, Қарши, 2003, 143 б.

**Краткое содержание диссертационной работы
Жуманазарова К.С. на тему: «Адаптация
промышленных предприятий к рыночным
условиям» по специальности 08.00.04 –
«Микроэкономика» на соискание ученой степени
кандидата экономических наук.**

Ключевые слова: Корпоративные группы, финансово-промышленные группы, холдинги, интеграция, финансы, менеджмент.

Объект исследования: деятельность корпоративных групп (на примере ХК «Узельхозмаш-холдинг») созданных в Республике Узбекистан.

Цель исследования: разработка научно обоснованных рекомендаций по повышению эффективности и координации деятельности корпоративных групп путем создания новых институциональных структур.

Методы исследования: в работе использованы методы функционально-структурного и сравнительного анализа динамических рядов, монографического обследования, обобщение экспертных заключений и другие.

Научная новизна и наиболее существенные результаты исследования:

- на основе системного анализа методологических исследований в области проблем функционирования корпоративных групп уточнено понятие «финансово-промышленная группа»;
- выявлены и определены основные принципы организации и развития корпоративных групп в переходной экономике;
- исходя из зарубежного опыта (опыт Японии) создание и функционирование финансово-промышленных групп аргументировано возможность их использования в условиях Узбекистана;
- предложена методика анализа финансовой устойчивости интегрированных корпоративных структур;
- разработаны рекомендации по формированию и развитию финансово-промышленных групп на основе углубления интеграционных процессов между промышленностью и финансовым сектором;
- предложены подходы к оценке эффективности функционирования корпоративных групп.

Практическая значимость: определяется возможность использования рекомендаций и предложений, направленных на совершенствование управления интегрированными корпоративными структурами, а также в учебном процессе при подготовке бакалавров и магистров по специальности «Менеджмент».

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты диссертационного исследования приняты для внедрения ХК «Узельхозмаш-холдинг».

Сфера применения: на межотраслевом уровне.

Summary of dissertation work of Jumanazarov K.S.
on the theme of: "Adaptation of the industrial
enterprises to market conditions" on a speciality
08.00.04 - Microeconomics in order to obtain
degree of candidate of economical science.

Keywords: corporate groups, financial and industrial groups, holding,
integration, finance, management.

Object of research: are the activities of corporate groups (on the example
of HC "Uzselhozmash-holding") created in Republic Uzbekistan.

The purpose of research: development of the scientifically proved
recommendations on increase of efficiency and coordination activity of
corporate groups by a way creation new институциональных of structures.

Methods of research: the methods of the functional - structural and
comparative analysis, dynamic numbers(lines), monographic inspection,
groupings and others are used in work.

Scientific novelty and most essential results of research:

- on the basis of the system analysis of methodological researches in the field of problems of functioning of corporate groups the concept "of financial and industrial group" is specified; the basic principles of organization and development of corporate groups in transitive economy are released and determined;
- proceeding from foreign experience (experience of Japan), creation and functioning of financial and industrial groups is argued on opportunity of their use in conditions of Uzbekistan;
- the technique of the analysis of financial stability of the integrated corporate structures is offered;
- the recommendations for formation and development of financial and industrial groups are developed on the basis of deepening integrative processes between an industry and financial sector;
- the approaches to rating of efficiency functioning of corporate groups are offered.

The practical importance: is determined by an opportunity of use of the recommendations and offers of the management, directed on perfection of the integrated structures, and also in educational process by preparation of the bachelors and masters on a major "Management".

Degree of introduction and economic efficiency: the results of research of dissertation are accepted for introduction in HC "Uzselhozmash-holding".

Sphere of application: on the level among field.

Бөсүштү рухат этилди 7.11.2003. Бичими 60x84 1/16.

Шартлы бөсмә табори I. Нусхасы 100 дона. Шартнома № 716.
ТДТУ бөсмөчүнөңди чөп этилди. Тошкент ш. Талабалар күчеси, 54.